

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда 2017 йил 14 июлдаги «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарори асосида ҳар йили «Нуроний» жамғармаси Васийлик Кенгаши томонидан узоқ ва самарали меҳнат қилган, эл-юртимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиз «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланиб келинмоқда.

Бу йил ҳам ўз фаолияти билан эл-юртимиз, жамият равнақиға муносиб улғуш қўшаётган ёши улғу ватандошларимизнинг катта гуруҳи «Нуроний» жамғармаси Васийлик Кенгаши қарорига асосан мазкур эътирофга сазовор бўлди.

Улар сафида фан, таълим, адабиёт, санъат, спорт, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот, журналистика соҳаси вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси вакиллари бор.

Яқинда «Нуроний» газетасининг махсус сонида мазкур эътирофга сазовор бўлганларнинг рўйхати эълон қилинди.

«Ishonch» газетаси кўп минг сонли муштарийлари таклифларига биноан ушбу рўйхатни «Нуроний» газетасининг махсус сонидан кўчириб босмоқда.



3-23-саҳифаларда ўқинг...>>>

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат



Ҳар сўзида ҳаёт дарси бор

Фаолият

Сайхунобод тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори бўлиб ишлаган Ҳайитбой Гафуров билан тузилган меҳнат шартномаси «Малакаси етарли эмас», деган ваз билан беркор қилинди.

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судининг қарори билан мазкур буйруқ ғайриқонуний деб топилиб, ходим ишга тикланди ҳамда унинг фойдасига мажбурий проғул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар пуллари ундирилиши белгиланди. Бироқ иш берувчи суд қарори ижросини ўз вақтида таъминламади. Шу боис Ҳ.Гафуров Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилди. Ўз навбатида, кенгаш иш берувчига тақдирнома юборди. Натижада ходимга 38 миллион 372 минг сўм иш ҳақи ҳамда 8 миллион 500 минг сўм маънавий зарар пули тўлаб берилди.

Кейинчалик эса вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври учун ўз вақтида нафақа пули тўланмагани туфайли касабаси уюшмаси томонидан судга даъво-ариза киритилди. Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судининг ҳал қилув қарорига мувофиқ, ходим фойдасига жами 35 миллион 919 минг сўм маблағ ундирилиши белгиланди.

Ширинхон УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

ХОДИМ ИШДАН ТАШҚАРИ ИШЛАГАНДА ҲАҚ ҚАНДАЙ ТўЛАНАДИ?

БАТАФСЛ МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН
«ISHONCH» НИНГ ТЕЛЕГРАМ КАНАЛИГА ўТИНГ:



ЭНДИ БАНКОМАТЛАРДАГИ УЗИЛИШЛАР УЧУН БАНКЛАР ЖАРИМА ТўЛАЙДИ

БУ ҲАҚДА ТўЛИҚ ХАБАРДОР БўЛИШ УЧУН
«ISHONCH» НИНГ ТЕЛЕГРАМ КАНАЛИГА ўТИНГ:



ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ – АМАЛИЙ НАТИЖА

«Ishonch» САВОЛИ

Спорт вазирлиги ва Туризм қўмитасига!

ЧўГИРМАНИ НЕГА ОТАСИЗ?

Яқинда Хоразмда VI Паҳлавон Маҳмуд халқаро баҳодирлар ўйинлари бўлиб ўтди. Мусобақада полвонлар икки йўналиш – чўғирма отиш ва мўйноқлангарини тортиш шартлари бўйича беллашдилар.

Бу турдаги мусобақалар биринчи марта 2019 йилда ўтказилган ва унда баҳодирлар миллий нақшли устунларни қўтариш ва ушлаб туриш, оғир тошларни устунларга ўрнатиш, мевалар билан тўлдирилган аравани қўтариш, поезд локомотивини 20 метрга тортиш ва бошқа шартлар бўйича ўзаро куч синашганлар. Чўғирма отиш шarti эса 2024 йилдан бошлаб қўшилган.

Хоразм азалдан ўз қадриятлари, урф-одатлари ва миллий рамзлари билан юртимиз маданий меросида алоҳида ўрин тутиб келади. Бу диёрнинг ҳар бир ашёси, ҳар бир анъанаси ортида асрлар давомида шаклланиб келган ҳаёт тарзи, халқ тафаккури ва маънавий дунёси муржасам. Ана шундай муқаддас рамзлардан бири чўғирмадир. Шу нуқтаи назардан қараганда, чўғирмани отиш нечоғлиқ ман-

тикли? Чунки у оддий буюм эмас, аксинча, Хоразмнинг иқлими, аҳолининг характери ва асрлар давомида шаклланиб турмуш тарзининг инъикоси ҳисобланади.

Ушбу бош қийим ўзига хос табиий термос хусусиятига эга бўлиб, ёзнинг жазирамасида бошга салқинлик, қишнинг аёзли кунларида эса иссиқлик бахш этади. Қадимдан чўғирма кийган эркак мард, вазмин ва оиланинг мустаҳкам устунлиги сифатида қадрланган. Унинг ерга тушишини ор билишган. Шундай экан, миллий бош қийимнинг спорт беллашувида отиладиган ашёга айлантирилиши қанчалик тўғри?

Халқимиз тафаккурида полвон деганда, аввало, ор-номус, ғурур ва юксак инсоний фарзатлар тимсоли гавдаланади. Айниқса, унинг номига атаб, халқаро мусобақа ўтказилаётган

Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари ўзининг тантилиги, саховати ва юксак ғурури билан тарихда қолган шахсдир. У кишининг маънавий мероси улғуланаётган тадбирда чўғирма отиш адолатданми? Ёки полвонлар куч ва маҳоратини намойён қилишлари учун бошқа беллашув турлари йўқми?

Миллий қадриятлар халқнинг маънавий таянчи, унинг тарихи ва ғуруридир. Туризмни ривожлантириш, меҳмонларни хайратга солиш яхши, албатта. Аммо ҳар қандай ташаббус, аввало, халқнинг қадриятлари ва миллий ифтихорига таяниши лозим. Зеро, меҳмонга ёқиб турган ўзгиримиздан кечишга ҳақимиз йўқ.

Спорт вазирлиги ва Туризм қўмитаси мазкур масала юзасидан муносабат бериши зарур.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли
«Ишонч телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

